

1991 йил 1 январдан чика бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 11 февраль, №35 (3147)

Сешанба

Тадбир

# Буюк шоирга Mupom

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий нафакат ўзбек адабиётининг асосчиси, балки жахон адабиётида хам ўз ўрнига эга. 9 февраль куни Алишер Навоий таваллудининг 562 йиллигига багишланган тадбир шоир номи билан аталадиган Миллий боғда бошланди.

Тадбирни Тошкент шахар хокими Р. Шоабдурахмонов очди. Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов анжуманни олиб борар экан, Алишер Навоий ижоди нечогли хаётийлигига алохида тўхталди.

- Президентимиз Ислом Каримовнинг Мустақиллик йилларида маънавий меросимизга бўлган эътибори туфайли Навоий сиймоси халқимиз шуурида қайта жонланди, - деди навоийшунос олим А. Хайитметов. - Алишер Навоий байрами - бу шеърият байрами. Биз адабиётимизни Навоий асарларисиз тасаввур эта олмаймиз.

Тадбирда таникли ёзувчи ва шоирлар Навоийнинг хаёти ва ижоди хакида гапириб, шоир ғазалларидан намуналар ўқидилар.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган Миллий маданий марказларнинг вакиллари хам Алишер Навоий пойига анвойи гуллар қўйишди. Бу улуғ шоирнинг ўзга халқлар қалбидан ҳам чуқур жой олганлигининг эътирофидир.

Тадбирда Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчиси Х. Султонов қатнашди.

> Муфтилло ЮСУПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Буюк шоир, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 562 йиллиги нафакат юртимизда, балки катор хорижий мамлакатларда хам кенг нишонланмокда.

Узбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонаси, мамлакатимизнинг Россия Федерациясидаги ваколатхоналари ходимлари хамда ўзбек талабалари томонидан буюк бобокалонимизнинг Серпухово майдонидаги хайкали пойига гуллар қўйилди ва хотираси ёдга олинди.

Тошкент шахрининг Россия пойтахтига тухфаси

Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг мамлакати-

"Нурота-Қизилкум биосфе-

Узбекистон хукумати БМТнинг Ривожлантириш дастури, Глобал Экологик Жамғармаси ҳамкорлигида

ташкил этилган ушбу анжуманда таъкидландики, мазкур лойихада юртимиз таби-

ати мухофазаси, халкимиз-

нинг тарихий, маданий ме-

росларини асл холича саклаб

қолиш ҳамда аҳолининг эзгу

анъаналарини ва мамлакати-

миз иктисодиётини ривож-

мухофазалаш максадида

қуриқхона минтакасида эко-

тизм майдонлари саклаб

қолинади. Бу худудда хужа-

лик фаолиятига йўл куйил-

майди. Мухофазалаш минта-

қасида эса, резерватни ант-

ропоген таъсиридан химоя-

лаш, анъанавий маданий

ландшафтни саклаш, ахоли-

нинг азалий хужалик юри-

тиш шаклларини рагбатлан-

тириш, халқ амалий хунар-

лохазаларини билдирдилар.

"Халқ сўзи" мухбири.

мухимдир.

килинади.

Ердан фойдаланиш ва уни


лантириш кўзда тутилган.

миздаги ваколатхонасида

лойихаси" мавзусида

бўлмиш ушбу ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими ўтган йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган эди. Мазкур пурвикор хайкал Узбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби Равшан Миртожиев, Россияда хизмат кўрсатган архитекторлар Александр Кузьмин хамда Игорь Воскресенскийлар ҳамкорлигида яратилган.

"Жахон" АА



## Навоий дахосига таъзим

Шу кунларда ўзбек халқининг мумтоз шоири ва буюк мутафаккири Алишер Навоий номи билан аталувчи қай бир гушага борманг навоийхонлигу ғазалхонликнинг устидан чиқасиз. Негаки, мамлакатимизнинг яқину йироғи, шаҳару қишлоғида буюк бобомизнинг қутлуғ 562 йиллиги кенг тантана қилинаётир. Ана шундай улуғ кунларда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли музейи хам ўкувчилару шеврият ихлосмандлари билан гавжум. Бу ерга ташриф буюрганларга музейнинг илмий ходими Аниса Абдурахмонова Навоий хаёти ва ижоди, ўлмас асарлари хакида марок билан сўзлайди.

СУРАТДА: Навоий номи билан аталувчи музей хаётидан лавха акс эттирилган.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Бекободда Қора ва рангли металл парчалари хамда чикиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиклаштириш республика комиссиясининг йигилиши бўлиб ўтди.

## Комиссия *<u>uufuauuu</u>*

Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарган йигилишда тегишли вазирлик, идора ва уюшмалар, шунингдек, худудий бошкарув органлари, иккиламчи хомашёни йигиш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар рахбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг январь ойида қора ва рангли металл парчаларини тўплаш ва қайта ишлашга топшириш бўйича яхши кўрсаткичларга эришилди. 2002 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш хажми беш фоизни ташкил этди.

Йигилишда, шунингдек, жойлардаги айрим ташкилот ва корхоналар бу борада сусткашликка йўл қўяётгани кўрсатиб ўтилди. Металл парчаларининг барча турдаги саноат корхоналари учун мухим хомашё манбаи экани уқтирилиб, бундай қолоқликка йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотлар рахбарларига зарур топшириклар берилди.

(¥3A).

Буюртма кўпаймокда

ра резервати (кўрикхонаси) "Жиззахтаъмир" хиссахалкаро семинар бўлиб дорлик жамияти туманлардаги МТПлар билан 75 миллион сўмлик буюртма Yakamu3 учун шартнома имзолаганди. Янги йилнинг ўтган бир ойидаёк жамият mabuamu аъзолари 20 миллион сўмликдан зиёд буюртмамухофазада ни бажаришга муваффақ бўлдилар. Жамоа ихтирочи-

фермер хўжаликлари учун айни муддао бўлди.

"Магнум" ларга тиркаладиган янги мослама ерни 70 сантиметргача сифатли юмшатади. Улар билан майдонларнинг энг чекка қисмларини ҳам ҳайдаса бўлади. Яна бир қулайлиги шундаки, авваллари худди шундай иш бажарадиган техника хориждан 13

Сўнгги

миллион сўм эвазига келтириларди. Махаллий мутахассислар эса ушбу техникани яратиш учун бор-йўги бир миллион сўм атрофида харажат қилиша-

Буюртмаларнинг кўплиги боис, корхона МТПлар билан янги шартномалар тузишга киришди.

Б. CATTOPOB.

Бухорода мармар тайёрловчи заводларнинг чикиндиларини қайта ишлашга ихтисослашган «Афрўзмармар» корхонаси ишга тушди.

#### «Афруз-мармар» uuisa myuidu

 Янги корхонани очиш учун имтиёзли кредит олиб, 640 минг евро қийматида Италиянинг замонавий ускуналарини харид қилдик, — дейди «Афрўз-мармар» директори Шерзод Болтаев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Янги технологик линия йилига 90 минг квадрат метр махсулот

ишлаб чикариш имконини беради. Ш. Болтаевнинг таъкидлашича, корхонада экологик мухитни яхшилаш билан бирга 35 та янги иш ўринларини хам очишта муваффақ бўлинди.

# САМИМИЙ KYTAOBAAP

#### Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин табрикларимни йўллашдан бағоят мам-

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, биродар мамлакатингиз халқига эса давомий тараққиёт тилайман.

Зоид бин Султон Ол НАХАЁН, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

#### Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сиз, Жаноби Олийларини ва дўст Узбекистон халқини кириб келаётган Қурбон ҳайити муносабати билан халқимиз, Афгонистон Утиш хукумати ва шахсан ўз номимдан самимий муборакбод этишдан гоят мамнунман.

Дўстона ва азалий тарихий алоқаларимиз мавжудлиги хамда ривожланиши икки қушни мамлакат халқларининг яхши ва самимий муносабатларидан дарак беради.

Ишончим комилки, бу муносабатларни янада ривожлантириш икки мамлакат халқлари манфаати ҳамда минтақада ва жахонда мустахкам тинчлик ўрнатилиши учун хизмат қилади.

Табрикларимни яна бир бор такрорлаган холда, Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик, Узбекистон халқига эса бахт-саодат ва равнақ тилаб қоламан.

> Хамид КАРЗАЙ, Афгонистон Ўтиш хукумати раиси.

#### Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ислом уммати муборак Ийд ал-Адхони тантанали байрам қилаётган дамларда, Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллайман.

Аллох субхонаху таолодан Сизга бахт-саодат, Узбекистон халқига баракот ва фаровонлик, Ислом умматига эса тараққиёт, шон-шухрат ва юксалиш ато этишини сўрай-

> Али Абдуллох СОЛИХ, Яман Республикаси Президенти.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА!

Ассалому алайкум ва рахматуллохи ва баракотуху! Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сизни ва барча юртдошларимизни улуг айём — муборак Курбон ҳайити билан диёримиздан келган ҳожилар номидан чин дилдан муборакбод этамиз.

Узбекистондан муборак сафарга келган биз, хожилар Маккаи мукаррамадаги муқаддас зиёратгоҳлар Каъбаи муаззама, Арафот тоги, Мино водийси ва Муздалифада бўлиб, хаж ибодатларини чин ихлос, имон-эътикод билан адо этар эканмиз, жонажон Ватанимизнинг келажаги порлок, халкимиз тинч-омон, хаёти фаровон, Сизнинг оқилона рахбарлигингизда олиб борилаёттан барча хайрли ишлар барокатли бўлишини Аллох таолодан илтижо ила сўраб дуода бўлмокдамиз.

Мустақиллик йилларида буюк алломаларимизнинг хотиралари тикланиши, Ватанимиздан хаж сафарига бораётган мусулмонларга яратиб берилаётган шароитлар Сизнинг миллий қадриятларимизга ва динимизга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигингиз намунаси, деб биламиз.

Сиз, мухтарам Президент жанобларига яна бир бор чексиз миннатдорлик ва самимий ташаккуримизни изхор этамиз. Аллох Сизни ва Узбекистон халкини доимо ўз панохида асрасин!

Узбекистон хожилари Макка шахри, Арафот водийси. 2003 йил 10 февраль

#### лари яратган янги плуглар

#### хабарлар

#### Миллионер фирма

Андижондаги «Файзу баракот» хусусий фирмаси ўз фаолия-тини «Пахтабанк» дан 20 миллион сўм кредит олиш билан бошлаган эди. Хозир мулкдорлар махаллалардаги кули гул чеварларга 40 ўринли янги иш ўринлар яратдилар. Трикотаж махсулотлари ишлаб чикариш йўлга куйилди. Киска вакт ичида 95 миллион сўмлик махсулот ички бозордан ўрин олди Мухими бу ерда ишлаб чикарилаёттан кийимлар харидорларга манзур бўлаётир. Иилии 4,7 миллион сум соф фойда билан якуплаган мулк-

дорлар ишлаб чикариш хажмини кенгайтириш, махсулот сифатини кескин янгилаш пайидан булмокдалар.

О.ШОДМОНАЛИЕВ

Спорт тошбулоклик фермер Рузибой Жураевнинг жони дили. У бурноги йили олган фойдасининг 120 минг сумини спортни ривожлантириш максадига сарфлаганди.

#### Чермерлар химмати

Куни кеча у болалар спортини ривожлантириш жамгармасига хам 100 минг сум хадя қилди. Энг қувонарлиси, Наманган туманида Рўзибой сингари саховатли фермерлар кўплаб топилади. "Бахром", "Шахрибону", "Олтин водий", "Абдуқодир бобо" сингари фермер хужаликлари хам янги жамғарманинг оёкка туриб олиши учун бахоли кудрат хисса кушдилар.

**К. НАЖМИДДИНОВ.** 

#### «Халқ сўзи» назоратида

## Нокулайликлар учун яна бир бор узр сўрашди

#### мандчилигини қуллаб-қув-Узр сўраш билан ватлаш ва экологик туризмни ривожлантириш хам гоят um bummandu-ky?! Лойихага кура, Нурота-Кизилкум курикхонасида экологик ва ижтимоий ривожланишни таъминлаш учун анъанавий услублар ва табиатни мухофазалайдиган замонавий технологиялар

хўжалик юритишда кент жорий этилади. Шу максалда қушимча маблағлар, грандлар, кредитлар ва бошка куринишдаги ёрдам жалб Семинар ишида мутасадди вазирликлар, идоралар вилоятлар хокимликлари вакиллари, хорижий мутахассислар, лойиханинг техник маслахатчилари ўз фикр-му-Саидолим ХАЙДАРОВ,

хусусида сўз юритилганди. Шу муносабат билан якинда Тошкент шахар Согликни сақлаш бош бошқармаси бошлиги М.ИСЛОМОВ хамда Мирзо Улугбек тумани худудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Б.ДА-ДАМУХАММЕДОВдан расмий жавоблар олдик.

ча, макола бош бошкармада масъул ходимлар ва туман худудий тиббиёт бирлашмалари бош шифокорлари иштирокида мухокама килинган. Шунингдек, Мирзо Улугбек тумани тиббий кенгашида атрофлича куриб чи-

қилган. Пировардида, мақорий жазолар құлланған.

аппаратлари, - деб ёзади Б.Дадамухаммедов, - туманимиздаги даволаш-профилактика муассасаларидан фақат иккитасига, аникроги, 7ва 20-оилавий поликлиникаларга ўрнатилган бўлиб, улар 1989 йили ишлаб чикарилган.

Шу сабабли эскириб, тез-тез таъмирлашта мухтож булмоқда, 20-онлавий поликлиникадагиси 2003 йил 17 январь куни, хакикатан хам, бузилиб қолған. Мутахассислар келгусида ундан фойдаланиш имкони йўклигини айтишган. Ана шунга кўра, 7-оилавий поликлиникага кушимча маблаг ва мутахассислар ажратилиб, унинг иш фаолияти кенгайтирилди. Туман мудофаа ишлари булими томонидан жунатилган усмирларин айни жойда флюротекширувдан ўтказиш йўлга кўйилди.

Биз ўсмирларга нокулайяна бир бор узр сўраймиз».

# БОЛАЛАР СПОРТИНИ PUBOXKAAHTUPUIII — УСТУВОР ВАЗИФА

Хабар қилинганидек, 7 февраль куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Узбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси хомийлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Президентнинг Давлат маслахатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Корақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шахри ва вилоятлар хокимлари, тегишли ташкилот ва идоралар рахбарлари хамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг минтакавий филиаллари фаолиятини ташкил этиш борасида марказда ва жойларда амалга оширилган ишлар бўйича Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тулаганов, Қоракалпогистон Республикаси Жукорги Кенгеси раиси хамда вилоятлар хокимларининг ахбороти тингланди.

Мажлисда хомийлик кенташининг 2003 йилги иш режаси тасдикланди. Унда болалар спорт иншоотларининг намунавий лойихаларини ишлаб чикиш, 2003-2005 йилларда мамлакатимиз хамда худудлар микёсида янги спорт иншоотларини барпо этиш

дастури, болалар спортини мураббий кадрлар билан тўлиқ таъминлаш, жисмоний тарбияга оид дарсликлар ва қулланмалар яратиш билан боглик бир катор долзарб масалалар қамраб олинган.

Куйида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси хомийлик кенгашининг мазкур иш режасини тасдиклаш хакида қабул қилинган қарорининг баёни эълон килинмокда.

Аввало, мажлис иштирокчилари томонидан Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Азимов ва молия вазири М. Нурмуродовнинг жамғарма хисобида шу кунга қадар 3,7 миллиард сўм ва

900 минг АКШ доллари микдоридаги маблаг жамлангани хакидаги ахбороти маълумот учун қабул килинди.

Шу билан бирга, қабул қилинган қарорда жойлардаги айрим мутасадди рахбарлар бу ўта мухим масаланинг мохиятига, унинг мавсумий иш эмас, балки доимий, узлуксиз давом этадиган жараён эканига етарлича ахамият бермай, юзаки қараш ва шошмашошарликка йўл кўяётгани кўрсатиб ўтилди.

Болалар спортини ривожлантириш борасида Узбекистоннинг ўзига хос табиий иклим шароити ва анъаналарига мос келадиган истикболли спорт турларини танлашда илмий асосда ёндашув, спорт мактаблари ва тугараклари ишини тўгри ташкил этиш, ўкувчилар қалбида спортга қизиқиш, ҳавас ва интилиш уйготишта етарлича ахамият берилмаётганига эътибор каратилди.

(Давоми 2-бетда).



21 январь сонида «Узр сўраш билан иш битмайди-ку?!» сарлавхали макола чоп этилганди. Унда Тошкент шахрининг Мирзо Улугбек туманида яшовчи ота-оналар ўсмир ёшидаги фарзандларини флюрографик текширувдан ўтказиш жараёнида турли сансалорликларга дуч келаётганликлари, охирокибат поликлиникама-поликлиника юриб, хам кимматли вактларини, хам асабларини йўқотаётганликлари

Уларнинг таъкидлашлари-

лада келтирилган далиллар тўгри, деб топилган. Бирлашма бош шифокори тиббиёт муассасалари устидан назоратни сусайтириб юборгани таъкидлаб ўтилган. Бетартибликка сабабчи бўлган жавобгар шахсларга ва шифокорларга нисбатан маъму-«Флюрографик текширув

ликлар келтирганимиз учун

Жойларда болалар спортининг бугунги холатини чукур тахлил қилиш, жамиятимизда спорт маданиятини ривожлантириш, мактаблардаги жисмоний тарбия ўкитувчиларининг билими ва профессионал савиясини кўтариш, мавжуд муаммоларни атрофлича ўрганиш, бу йўналишда махалла фаоллари билан биргаликда иш олиб бориш, коллеж ва лицейлардаги спорт заллари имкониятларидан самарали ва окилона фойдаланиш, оилавий спорт мусобақаларини ташкил этиш, ёшларга, айниқса, қизлар учун зарур шароитлар яратиб бериш ва уларни сифатли, замонавий спорт кийимлари билан таъминлаш масалалари давр талабига жавоб бермаслиги

Айрим вилоятларда жамғарма ҳисобига маблағ ўтказиш, таъсисчи ва хомийлар билан ҳамкорлик ҳилиш, мавжуд спорт шохобчаларини инвентаризациялаш, уларни жорий ва капитал таъмирлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, янги замонавий спорт иншоотларини илмий асосда жойлаштириш схемаларини тайёрлаш масалалари нихоятда суст бормокда. Шунингдек, жамғарманинг марказий аппарати, жойлардаги минтақавий филиаллари малакали, фидоий ва жонкуяр кадрлар билан таъминланишига етарли эътибор берилмаётгани кўрсатиб ўтилди.

қайд этилди.

Мажлисда Халқ таълими, Согликни саклаш вазирликлари, Урта махсус ва касб-хунар таълими маркази, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кумитаси, Узбекистон Касаба уюшмалари федерацияси хамда "Махалла" жамғармасига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда бир ой муддатда, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва ёши билан боглик хусусиятларни инобатга олган холда болалар спортини белгиланган йўналишлар

(1-4 синф, 5-9 синф, коллеж ва лицейлар, махаллалардаги спорт шохобчалари) бўйича хар томонлама тахлил этиш, спорт билан мунтазам шуғулланаётган болаларнинг (6 ёшдан 17 ёшгача) сонини аниклаш ва танқидий бахо бериш, болалар спорти холатини республика ва вилоятлар микёсида ўрганиб, мамлакатимиз худудларида спортнинг

дастури асосида "Соглом оила" мусобақаларини ўтказиш тўгрисидаги Низомни ишлаб чикиши ва тасдиклаши лозимлиги алохида таъкидланди.

Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов хамда Бош вазир ўринбосари М.Усмоновга бир ой муддатда болалар спортини ривожлантириш учун зарур

икки ой муддатда хомийлик кенгашига киритиш юклатилди.

Умумтаълим мактаблари учун янги дарслик ва ўкув адабиётларини нашр қилиш ишлари билан шуғулланадиган хукумат комиссиясига мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2003-2004 ўкув йили учун жисмоний тарбия ва болалар спортига оид ўкув

асосида 2003 йилнинг 1 июлигача, қишлоқ жойларига алохида эътибор қаратган ҳолда, 2003-2005 йилларга мўлжалланган янги спорт иншоотларини барпо этиш режасини ишлаб чикиш ва хомийлик кенгашининг тасдигига киритиш вазифаси топширилди.

Жамғарманинг Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар хомийлик кенгашлари раисларига болалар спортининг хозирги холати ва ривожланиш салохияти, хар қайси туман ва шаҳар минтақасида мавжуд спорт базаларидан самарали фойдаланиш ахволини ўрганиб, тегишли бахо бериши, 2003 йилга мўлжалланган иш режалари ва тадбирларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимовга Молия вазирлиги, жамғарма бошқаруви билан биргаликда бир ой муддатда жамғарма хисобига тушадиган маблағларни сарф этиш тартиби ва бунёд этиладиган спорт иншоотларини саклаш ва улардан фойдаланиш тўгрисидаги Низомларни хамда янги спорт иншоотларининг штат бирликларини тасдиклаш топширилди.

Жамғарманинг минтақавий филиаллари хисобига тушган маблаглар шу худудларнинг ўзида мақсадли равишда сарфланиши маълу-

мот учун қабул қилинди. Карорда Узтелерадиокомпания, Узбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошка оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг маъно-мохияти, ижтимоий хаётимиздаги ўрнини чукур очиб бериш, мазкур эзгу ташаббусни том маънода умумхалқ ҳаракатига айлантириш мақсадида бу борадаги ижобий тажрибани кенг ташвиқ-тарғиб килиш тавсия этилди.

Такдимот

# Женева конвенциялари mynaaau

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қумиталари ҳамда Норматив-хукукий атамалар комиссиясининг 2002 йил 3 апрелдаги қушма мажлиси тавсияси асосида «Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева конвенциялари тўплами» нашрдан чикди.

Яқинда Олий Мажлис биносида мазкур тўпламнинг такдимот маросими бўлиб УТДИ.

Маросимни Олий Мажлис Халкаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қумитаси раиси Э. Вохидов бошқариб борди.

Маълумки, Истиклол йилларида мамлакатимиз кўплаб мухим халқаро шартномалар ва конвенцияларга қушилди. Шу тахлит халқаро хуқуқ ва умумбашарий қадриятлар юртимизда қонуний асосда устувор макомга эга бўлди. Адолатли фукаролик жамиятининг хукукий пойдеворини яратишга жадаллик билан киришилди.

Бугунги кунда инсон хукукларини халқаро даражада химоя килиш масалалари, асосан БМТ Низоми, Инсон хукуклари умумжахон декларацияси, Инсон хукуклари тўгрисидаги халқаро пактлар каби қарийб 80 та хужжатда ўз аксини топган бўлса, Узбекистон инсон хукуклари сохасига доир 60 дан зиёд куптомонлама халқаро шартномага қушилган.

Мамлакатимиз уруш қурбонларини химоя килиш тўгрисидаги Женева конвенцияларига эса 1993 йилда кушилди.

Уруш қурбонларини химоя қилиш тўгрисидаги Женева конвенциялари хозирги замон халқаро гума-

нитар хукукининг мухим кисми хисобланади. Халкаро гуманитар хукук меъёрлари уруш қурбонлари – фуқаро аҳоли, ярадорлар, беморлар, кема халокатига учраган шахслар, ҳарбий асирлар химоясига қаратилган-

Мустакилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз парламенти айрим мухим халқаро хужжатларнинг БМТ расмий тилларидан бири - рус тилидаги матнларини ратификация қилгани маълум. Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги қарори асосида тасдиқланган уруш қурбонларини химоя қилиш тўгрисидаги Женева конвенциялари хамда халқаро тусдаги ва халқаро тусда бўлмаган қуролли можаролар қурбонларини химоя қилиш тўгрисидаги Женева конвенцияларига доир қушимча протоколлар

шулар жумласидандир. Кенг қамровли ислохотлар талаби, шунингдек, ўзбек тили давлат тили макомига эга эканлиги ва шу боис мазкур Конвенциялар ва уларга қушимча Протоколлар ижросига алоқадор миллий ташкилотларда ўзбек тилида иш юритилаётгани туфайли юқорида қайд этилган халқаро хужжатлар таржимасига бўлган эхтиёжнинг юзага келиши натижаси ўларок, ана шу хужжатларнинг давлат тилидаги матнини яратиш долзарб хаётий заруратга айланди.

Шу максадда Инсон хукуклари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий маркази халқаро Қизил Хоч Кумитаси билан ҳамкорликда Женева конвенциялари ва уларга қушимча Протоколларни ўзбек тилига таржима қилиш ва бу хужжатлар таржималарини нашр эттириш борасида кенг қамровли ишларни амалга оширди.

Республика Бош прокуратураси хайъатининг кенгайтирилган мажлиси ўтказилди. Унда прокуратура органларининг мамлакатимизда қонунийлик ва хукуқ-тартиботни мустахкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фукароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш юзасидан 2002 йилги фаолияти якунлари мухокама этилди. Хайъат

## Республика Бош npokypamypacuda

мажлисида Бош прокуратуранинг масъул ходимлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бошқармалари бошлиқлари қатнашди.

Таъкидландики, 2002 йил мобайнида амалга оширилган муайян ижобий ишлар билан бир қаторда қонунлар ижроси устидан назоратнинг айрим сохаларида камчиликлар йўл қўйилган. Хуқуқни мухофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолияти мувофиклаштириб келинган бўлса-да, республика бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий сони 3,9 фоиз ошган. Айни пайтда дастлабки тергов ва суриштирув устидан назорат кучайтирилгани боис, жиноятлар туфайли етказилган моддий зарарни қоплаш масалаларида бирмунча ижобий натижаларга эришилганини хам қайд этиш жоиз.

Шу билан бирга, мамлакат иктисодиётига жиддий зарар етказаётган «хуфиёна иктисод» сохасидаги жиноятларга қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслигига алохи-

да эътибор қаратилди. Республика Бош прокурори Р. Қодиров йўл қуйилган хато ва камчиликлар хусусида тўхталиб, уларни бартараф этиш хамда прокуратура органларининг келгусидаги вазифалари юзасидан

кўрсатмалар берди. Иигилишда мухокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

лиявий вазиятни мумкин

қадар ўнглаш зарурга

ўхшайди. Мисол учун Ну-

кус туманида 7 та бошлан-

ғич касаба уюшма ташки-

лотида маошлар белгилан-

**Ўзбекистон** Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот маркази.

# БОЛАЛАР СПОРТИНИ PUBOXAAHTUPUII— УСТУВОР ВАЗИФА

қайси турларини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш зарурлиги хамда уларнинг боскичлари ва истикболлари хусусида таклифлар ишлаб чикиш вазифаси топширилди.

Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматовга болаларнинг жисмоний ва маънавий жихатдан уйгун камол топишини таъминлаш, мамлакатимизда болалар спортининг асосий йўналиш ва турларини ривожлантиришнинг тиббий ва илмий асосларини яратиш максадида шифокорлар, спорт мураббийлари, педагог, психолог ва бошка мутасадди мутахассислардан иборат комиссия ташкил этиш хамда унинг таклифларини Согликни саклаш вазирлиги ҳайъат йиғилишларида мунтазам назорат

килиш тавсия этилди. "Махалла" жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қумитаси икки ҳафта муддатда кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган холда махаллаларда болалар спортини ривожлантириш спорт анжомлари, кийимкечаклар ва чарм пойафзал махсулотларини ўзимизда ишлаб чиқариш имкониятларини хисобга олган холда дастур тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Қарорда қайд этилганидек, "Узбекенгилсаноат" компаниясига миллий қадриятлар ва анъаналарни хисобга олган холда жорий йилнинг 1 июлигача болалар спорт кийимларининг дизайнини жахон андозалари даражасида ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соха олимлари, мутахассислари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда "Соглом авлод учун" жамғармаси иштирокида болалар спортини мураббий кадрлар билан тулиқ таъминлаш, болалар спорти инструкторлари ва спорт журналистларини тайёрлаш ишини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чикиб,

дастурлари, дарслик, қўлланмалар хамда плакатлар тайерлаш ва чоп этиш вазифаси топширилди.

Барпо этиладиган спорт

иншоотларининг салохияти ва истикболи, хажми, жойи, уларга сарф қилинадиган маблагларни аниклаш, лойиха сифатини экспертизадан ўтказиш ва уни хомийлик кенгаши тасдиғига киритиш мақсадида жамғарма аъзолари ва мутасадди мутахассислардан иборат махсус ишчи гурухи тузилиши зарурлиги қайд этилди. Жамғарма бошқаруви ҳамда "Уздавархитектқурилиш" қумитаси мазкур ишчи гурухи билан биргаликда кўрсатилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чоратадбирлар белгилаши

кўрсатилди. Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлагановга Коракалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят ва Тошкент шахар хокимликлари билан биргаликда махсус ишчи гурухи таклифлари

#### Чиникиш маскани

Фаргонадаги Аҳмад ал-Фаргоний номи билан аталувчи истирохат богининг шундок ёнида яна бир кўркам ва салобатли бино қад ростлаяпти. Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш дастури бўйича яратилаётган бу иншоот келажак эгалари турли хил машгулотлар ўтказадиган спорт зали хамда уч ярим мингдан зиёд томошабинни ўз багрига оладиган амфитеатрдан иборат бўлади.

Объектни Навруз байрами шодиёналаригача топшириш учун қизғин иш олиб борилаяпти.

Набижон СОБИР.

### МАТБУОТ ВА ХУКУК:

# ЭРКИНАИК ВА МАСЪУЛИЯТ

Узбекистон Республикаси Олий хўжалик судида Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси билан хамкорликда ташкил этилган суд-хукук ислохотларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши муаммоларига бағишланган илмийамалий семинар бўлиб ўтди.

Анжуманни бошқарган Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов суд-хукук тизимини ислох қилишдек кенг микёсли ўзгаришлар, аввало, хар бир фукаронинг манфаатини химоялайдиган қонун ва меъёрлар оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритиб борилаёттани мухим ахамиятга эга эканлигини алохида таъкидлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, хусусан, суд-хуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар мохиятини кенг омма эътиборига етказиш борасида талай ишлар амалга оширилмокда. Оммавий ахборот воситаларида қонундаримиз мохияти, хусусий талбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг хукуқ хамда манфаатлари химоясига бағишланган мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар салмоги ошаётгани қувончли хол. Уларнинг аксарияти мазмун-мохиятининг чукурлиги ва таъсирчанлиги билан ахоли, айникса, тадбиркорлар хукукий онгини ўстиришда мухим омил бўлмокда.

Шу билан бирга, сохадаги ислохотлар мохиятини хаққоний ёритиш борасила камчиликлар хам учраб турибди. Хукук сохасида ёзаётган баъзи журналистларнинг мавжуд

хукукий меъёрлар, конунқоидаларни яхши билмаслиги туфайли оммавий ахборот воситаларида баъзан нотўгри талқиндаги материаллар ҳам эълон қилинаётир. Шу боис журналистларнинг муайян сохага ихтисослашуви долзарблигича қолмоқда.

Семинарда мавжуд муаммолар юзасидан республика хукукни мухофаза килиш идоралари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари фикр-мулохаза билдирди. Кизгин бахс-мунозаралар рухида ўтган анжуманда матбуот ва хукук сохаларининг ўзаро хамкорлигида эркинлик ва масъулият бош мезон булиб қолиши максадга мувофиклиги алохида таъкидланди.

Анжуман якунида Олий хўжалик суди ва Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва қўллабқувватлаш ижтимоий-сиёсий жамгармаси биргаликда таъсис этган "Хукук ва бурч" танловининг навбатдаги голиблари такдирлан-

Семинарда Узбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б. Мустафоев, Олий Мажлис матбуот ва ахборот қумитаси раиси У. Хошимов иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА, УзА мухбири.



Хукумат қарорларига мувофиқ, кейинги йилларда мамлакатимизда паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналари негизида 9 мингдан зиёд фермер хўжаликлари ташкил этилди. Кувонарлиси, тадбиркорлик билан иш юритаёттан бу жамоаларнинг аксарияти, шу жумладан, Хатирчи тумани фермерлари хам 2002 йилда дурустгина фойда олдилар. Жорий йилда эса мазкур туман фер-

мерлари пахта ва ғалладан ташқари, эл дастурхонига 200 тонна гушт, 800 тонна сут, 3000 дона тухум етказиб бермокчи.

 Бу ниятлар, албатта, рўёбга чикади, — дейди туман фермерлар уюшмаси раиси Мухиддин Салохиддинов. — Чунки бугунги кунда хар бир фермер ўзини хакикий мулк эгаси эканлигини, астойдил мехнат қилиш катта даромад манбаилигини тушуниб етди.

СУРАТЛАРДА: «Ассалом» фермер хужалиги ўрдакбоқарлари Акбар Хамдамов ва Эркин Хамроев; шу хўжаликнинг ўрдаклари яхши ўсиши учун етарли шароит мавжуд; туман фермерлар уюшмаси раиси Мухиддин Салохиддинов, фермерлар Бахтиёр Рахмонов ва Рахмон Бердиев келгуси режалар хусусида сухбатлашмокдалар. Тохир НОРКУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

#### Яхшидир аччик хакикат

Касаба уюшмаси ходими ўз ташкилоти рахбари билан телефонда сухбатлашар эди. Селектор тугмачаси босиб қўйилгани учун сухбат баралла эшитилиб турарди:

- Фалончи Фалончиевич! Беш-олтита раисларимиз учун сихатгохларга йўлланма топиб берсак яхши бўларди. Ўзингизга маълум, йил давомида кеча-кундуз тиним билишмади.

 Яримта ҳам йўлланма йўқ. Ҳеч кимга ваъда берманг. Хўжаликни бошқариб турган одам битта йўлланмани пулга сотиб олса, асакаси кетадими?!

Орадан анча вақт ўтди.

Хонаси келиб, Нукус туман

агросаноат мажмуи касаба

уюшмаси фаолияти билан

танишишга отланганимда.

бошқа туманда кечган ўша

сухбат эсимга тушди. Шу

туфайли Ақманғитга бориб,

туман қумитаси раиси Му-

ротбой Утемуратов билан

учрашганимда, энг аввало

у кишидан уюшма аъзола-

ри 2002 йилда сихатгохлар-

га нечта йўлланма олгани

чин» санаторийсига 3 та,

«Оқтош» ҳамда «Ботаника»

санаторийларига битталан,

жами 5 та йўлланма олдик!

- деб жавоб берди М.Уте-

йўлланма олган эдингиз?

- 2000 йили-чи?

- Аввалги йили нечта

Икки йил ичида йўллан-

малар микдори бир ёки

икки эмас, етти мартага ка-

майиб кетибди. Вахоланки,

Нукус туман агросаноат ка-

саба уюшма қўмитаси ўзи-

нинг юкори ташкилотлари-

га давлат ижтимоий сугур-

та ажратмаси хисобидан

1261000 сўм ўтказиб берган.

- Узимиздаги «Гулбар-

билан қизиқдим.

муратов.

— 14 та.

- 35 Ta!

ликда, минглаб фукароларнинг мехнат ва бошка хуқуқларини мухофаза қилишга йўналтирилган бу ташкилотнинг айнан ўзи бугун мухофазага, қўллабқувватлашга мухтож. Мисолларга мурожаат қилайлик: 2002 йилнинг 1 декабрь холатига кўра кўмитанинг аъзолик бадаллардан қарзи 4902000 сўмни ташкил этди. Шу жумладан, «Шўртанбой» ширкат хўжа-

лигининг бу борадаги қар-

uuumu

ташкилотнинг бугунги холатига кўникиш кайфиятини сездик. «Туманда қанча ишсиз бор?» деган саволимизга қумита раиси М. Утамуратов:

-Бунисини энди мехнат бўлимидан сўрайсиз! -

- Лоақал қишлоқ жойларидаги ишсизлар сонини биларсиз?

 Буни ҳам ўша муассасадан сўрасангиз бўлади. Касаба уюшма аъзо-

- Мехнат бўлими мени ўз мажлисига чақирмади-да! - Туман хокимлигида касаба уюшма ҳаёти билан боглиқ масалалар мухокама қилиндими?

- Эслолмайман... Хуллас, «сухбати» мизни узоққа чўзмадик. Туманда касаба уюшмасининг фаолияти талаб даражасида эмаслиги кўриниб турарди. Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1997

йил 15 май кунги, 344-сон-Hommahuhz obyču

ли йўрикномасида (бир

ган. Уюшма фаоллари билан бирга хисоб-китоб қилиб кўрганимизда, бу маош ўртача 5442 сўм бўлиб чикди. Бу ёгини ўзингиз тахлил килиб олаверинг. Ахир 1999 йилнинг 1 июлига қадар аъзолик бадалларининг 65 фоизи бошланғич ташкилотларида қолдирилар эди. Кейин у 50 фоизга туширилди. Биз касаба уюшмаларининг ички ишларига аралашиш фикридан йирокмиз. Зеро, мамлакатимизда «Касаба уюшмалари, уларнинг хукуклари ва фаолиятининг кафолатлари тўгрисида»ги қонун қабул қилинганига ўн йил тўлмокда. Мамлакатимизнинг «Жамоат бирлашмалари тўгрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўгрисида»ги ва бошқа қонунлар ҳам касаба уюшмалари фаолияти учун кенг имкониятларни кафолатлайди.Тан олишимиз керакки, кўплаб касаба уюшма қумиталари, бошлангич ташкилотлар бу қонунлар берган кафолатлардан фойдаланмокда. Лекин баъзилари... Касаба уюшмасининг обруси унинг асл макомига, таркиб то-

> Янгибой КУЧКОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

паётган кучли жамиятдаги

муқим ўрнига, янгиланаёт-

ган иктисодиёт талаблари-

га мос бўлиши керак эмас-

Бу катта маблағ эмас. Айни чогда 5 та йўлланма туман агросаноат касаба уюшмасининг 4090 аъзоси учун хамир учидан патир хам

булолмайди. Қумита баҳоли қудрат ўз вазифаларини уддалаб келмокда. Утган ёзда 200 нафар ўкувчи тумандаги «Гулбог» оромгохида, 122 нафар ўсмирлар Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги оромгохларда дам олишди. Мехнат шартномаларининг таъсирчанлигини ошириш, иш ўринларида техникавий ва экологик хавфсизликни таъминлаш, ишловчиларга тегишли шарт-шароитлар яратиб беришга харакат

Шунинг билан бирга-

килинмокда.

зи 1277300 сўмга, «Кердер» ширкат хўжалигиники 1198300 сўмга етган. Сўнгги йилларда қурғоқчилик боис бу жамоаларнинг иктисоди холсизланиб қолгани сир эмас. Аммо 2002 йилда жамоа ҳам муайян миқдорда шоли сотиб, шартнома режаларини уддалади. Шундай экан, аъзолик бадалларидан қарз бу қадар куп булмаслиги керак эди. Колаверса, туман қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат ижтимоий сугуртасидан қарзи 3283300 сўмни ташкил этган. Касаба уюшмасининг «козони»да маблағ бўлмаса, чўмичга ни-

Булардан ташқари касаба уюшмаси рахбарларида

маям иларди?

лари орасида спорт ишлари қай йўсинда ташкил этилган? - Спорт билан шуғулланадиган лавозим аллақачон қисқариб кетган. Буни туман спорт қумитасидан аниклайсиз! Маданият ишлари-чи? - Бу бўйича ишларни

> йиллар бўлди! - Утган йили мехнат булимининг бирор йигилишида қатнашиб, касаба уюшма аъзолари манфаатига оид масала кўтардингизми?

неча вазирлик ва идоралар билан келишилган холда ишлаб чикилган) давлат ижтимоий сугуртаси ажратмаси тўгрисида ягона, қатьий қоида бор. Унга кўра хўжалик юритувчи субъектлар, банк муассасалари, молияга дахлдор идоралар хисобланган иш хакининг 1,2 фоизни давлат ижтимоий сугуртасига ажратиши шарт. Авваллари бу кўрсаткич 2 фоиз эди. Кейинги пайтларда уни камайтириш хусусида фикрлар билдирилмокда. У холда касаба уюшмаларининг молиявий ахволи ёмонлашмайдими? Мақоламиз бошидаги сухбатни эсланг. Ширкат зиммамиздан соқит қилиб ташлаганимизга бир неча хўжалиги раиси хам хаммамизга ўхшаган одам, нима у йўлланма харид қилиш учун қинғир ишни амалга

> ошириши керакми?! Айни вақтда бошланғич касаба уюшмаларидаги мо-





«ЎЗМАКОМ» ҚК ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ҚУРБОН ХАЙИТИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

СИЗЛАРГА ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК, ХОНАДОНИНГИЗГА ФАЙЗУ-БАРАКА, БОШЛАГАН ХАР БИР ИШИНГИЗДА ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ!

СИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА КУТАМИЗ: ТОШКЕНТ ШАХРИ, «ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» ШОХКЎЧАСИ, 8-УЙ. ТЕЛЕФОНЛАР: (+998 71) 100-00-15, 100-00-16, 173-00-15. ФАКС: (998 71) 100-98-98, 120-63-78.

WWW.UZMACOM.UZ

Республика Миллий матбуот марказида АҚШнинг мамлакати-миздаги элчихонаси Ахборот, маданият ва таълим бўлими ҳамда «Ўзбекистон Фулбрайт ассоциацияси» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида «Гендерга оид тадқиқотлар» мавзуида семинар ўтказилди.

# Гендерга оид тадкикотлар

— Юртимизда аёллар ва болалар соглигига жиддий эьтибор берилиб келинмоқда, — дейди Республика Акушерлик ва гинекология институти бўлим мудири Мухтарам Содикова. — Бу ўз навбатида тиббиёт сохасидаги замонавий даволашнинг энг сўнгги технологиялари билан бевосита боглик.

Семинарда АҚШ ҳукумати ҳомийлигида Америкада университетлар, ҳукумат институтлари, бизнес ва нодавлат ташкилотларда илмий алмашув дастури орқали малака ошириб ҳайтган ўзбекистонликлар билим ва таассуротлари билан ўртоҳлашишди. Иштирокчилар ҳаторида университет ўҳитувчилари, нодавлат нотижорат ташкилот вакиллари ва мутахассислар ҳатнашди.

АҚШ элчихонасининг Ахборот, маданият ва таълим бўлими бошлиги ўринбосари Хатир Грант хоним семинар иштирокчиларини қутлади ва Нодира Азимова, Лола Гофурова ва Алижон Назаровларга Фулбрайт дастурида иштирок этганлиги ҳаҳидаги гувоҳномаларини топширди.

Мамлакатимизда хотинқизлар масалалари бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Диловар Қобулова нутқ сўзлади.

Комилжон ЁРИЕВ.



Янгиликлар, вокеалар, далиллар

# Сербия ва Черногория

вия Иттифок Республикаси давлат сифатида тугатилди. ЮИР парламенти ўтган хафтанинг сешанба куни унинг ўрнига янги давлат - Сербия ва Черногория конституцияси хартиясини маъкуллади. Иттифок парламентининг икки палатаси хам конституцион хартияни қабул қилиш ва уни жорий этиш бўйича қонунни тасдиклади. Бу эса Югославиянинг тугатилиши демакдир. Югославия 75 йиллигини нишонлашига бир неча ой қолганди. Ундан олдин ушбу хужжатларни Сербия ва Черногория парламентлари маъкуллаган эди. Бир неча кундан сўнг икки республика парламентлари янги иттифок скупщинаси (парламенти) аъзоларини сайлашади. Иттифокнинг президенти (бир пайтда у Вазирлар Махкамасига хам раислик қилади) келажакда тузиладиган парламентнинг мажли-

Расмий номи Югосла-

сида сайланади. Сербия ва Черногория Иттифоки собик Югославиянинг майдони(102 минг квадрат километр)да колади. Ун миллионга якин ахолига эга бўлган янги давлат халкаро майдонда бир субъект сифатида фаолият юритади, икки республика фукаролари Сербияда хам, Черногорияда хам бир хил хукукка эга бўлишади. Серблар ва черногорлар учун армия ва суд умумий бўлиб қолади. Келажакда эса янги давлат учун мадхия ва байрок яратиш режалаштирилган. Лекин молиявий ва иктисодий тизимлар икки республикада мустакил фаолият юритади. Давлатнинг маъмурий маркази Белград бўлиб колади. Черногориянинг пойтахти Подгорицада хамжамият суди иш олиб боради.

Янги давлат конфедератив асосда тузилганлиги сабабли фақат беш соҳа — ташқи сиёсат, мудофаа, ташқи иқтисодий алоқалар, икки республика



ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик, инсон ҳуқуқлари ва кичик миллатлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳамкорлик қилишади.

Таъкидлаш жоизки, бу мамлакатнинг номи 1918 йилда ташкил этилгандан буён бир неча марта ўзгарди:

1918 йилнинг 24 ноябрида серблар, хорватлар ва словенлардан иборат Халқ Вече қўмитаси ўша пайтда мавжуд бўлган Словенлар, Хорватлар ва Серблар республикаларини бирлашган давлат—СХС деб эълон қилди.

1918 йилнинг 1 декабрида Белградда СХС Халк Вечеси ва Александр Карагеоргиевич исмли регент Серблар, Хорватлар ва Словенлар Кироллиги тузилганлигини эълон қилди.

1929 йилнинг 3 октябрида у Югославия Қироллиги деб атала бошланди.
1945 йилнинг 10 августида Белградда бўлибўтган Югославия миллий озодлик антифашист Вечесининг учинчи йигили-

шида давлат номи Югос-

лавия Демократик Феде-

рацияси деб ўзгарди.

1945 йилнинг 29 ноябрида конституцион скупшина республика тузилганини ва мамлакат Югославия Халқ Федератив Республикаси(ЮХФР) номини олганини эълон қилди.


1963 йилнинг 7 апрелида иттифокнинг янги конституцияси қабул қилинди ва Югославия Социалистик Федератив Республика(ЮСФР)га айланди.

1991 йилнинг 25 июнида ЮСФРнинг таркибидан Хорватия ва Словения, 15 октябрда Босния ва Герцоговина хамда 21 ноябрда Македония чикиб кетди.

1992 йилнинг 27 апрелида иттифок скупшинаси(парламенти) Югославия Иттифок Республикаси ЮИРнинг конституциясини маъкуллади.

Шу йилнинг 4 февралидан бошлаб янги давлат— Сербия ва Черногория ташкил топди.

> Салим ДОНИЁРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.



#### Ирок, буйича янги режа

Франция ҳамда Германия БМТ шафелигида Ироқни қуролсизлантириш ва ҳалқаро инспекция режимини мустаҳкамлаш бўйича янги режани ишлаб чиқди. Режа шу ҳафтанинг жума куни БМТ инспекторлари раҳбари Ханс Бликснинг маърузасидан сўнг Хавфсизлик Кенгашига тақдим этилиши кутилмоқда, деб ҳабар беради "News py".


#### Хавфсизлик ва мудофаага багишланди

Утган шанба ва якшанба кунлари Бавариянинг маъмурий марказида Мудофаа ва хавфсизлик буйича 39 — Халқаро Мюнхень конференцияси булиб утди. Унда халқаро терроризмга ва экстремизмнинг ҳар қандай куринишига қарши кураш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Анжуманда НАТО Бош котиби лорд Жорж Робертсон ва АҚШ, Россия, ГФР, Франция ҳамда бошқа давлатларнинг ташқи ишлар ва мудофаа вазирликларининг раҳбарлари қатнашди, деб хабар беради "РИА"Новости" агентлиги.

# ЭНГ ЯНГИ СБЕП. ТАРМОГИ ЭНДИ ЯНГИЙЎЛДА

HAPKHAPHA HABBAILAIM APROMINALITMPMLL

20% ДАН КУПРОК



Кечаю - кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09 "Уздунробита" КК телефонларидан - 611.

Тошкентдаги сервис 'маркази манзили: Усмон Юсупов иўчаси, 16-уй ("Лабзак"). www.uzdunrobita.uz

ПРЕСТИЖ

\$125(00-99.000

ЧЕКЛАНМАГАН ЭФИР ВАКТИ



«Уздунробита» уяли алоқа телефонларидан (GSM - GSM)

Бепул!!!

# СБЕП. ТАРМОГИДА ЯНГИ ТАРИФЛАР

(Тарифлар 20% қушимча қиймат солиғи билан АҚШ долларида курсатилган),

Хизмат кўрсатиш режалари	Абонент тулови (\$)	Кириш алокаси бахоси (\$)	Чиңиш алоқаси бахоси (\$)	Кириш алоқаси бахоси (\$) «Уздунробита» уяли алоқа телефонларидан (GSM - GSM)
Эксклюзив	2.0	0.08	0.10	Бепул
Престиж	99.00 123.00		Бепул	

Илова:

«Уздунробита» ҚК тармоғи буйича GSM русумида ягона руйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат курсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга.

SMS\_ VMS\_

(КИСКА МАБЛУМОТ ХИЗМАТИ) (ОВОЭЛИ МАБЛУМОТ ХИЗМАТИ)

ЎзАСИ АА №0000104

#### Мулохаза


Хозирги ёшлар... Мен олтмишинчи йилларнинг ўкувчи си, етмишинчи йиллардаги талабалар вакили сифатида бугунги ёшларни, уларга яратилаётган шароитларни кўриб, очиги хавас қиламан. Бугунги ёшлар ўзларининг қирқ йил аввалги тенгқурларидан тубдан фарқ қилади. Бу хол нафакат уларнинг рухиятида, маънавиятида, хатто юриш-туришию тарбиясида хам ўз аксини топмокда. Буни қандай бахолаш мумкин? Ижобийми, ёки...

мизнинг ўзларини тутишларига эътибор берганмисиз? Иболи қизларга хос бўлмаган беўхшов қилиқлари, жазавага тушган кишидай ёввойи раксларигачи? Жамоат транспортининг орқа ўриндикларига ўтириб олиб ўзини ухлаганга со-

жойларида айрим ёшлари-

Мен ўз фикрларим би-

ўкитувчи.



Якинда кучада бир воқеанинг гувохи бўлдим. Ташқи қиёфаларидан гўё афсонавий маликаларни эслатадиган, пардоз-андозу турли хил тақинчоқлардан ороланган 15-16 ёшлардаги қизалоқларни кўриб, очиғи хайратландим: бунчалар хам катта бўлишга шошилмасалар! Хар қандай кишининг суки киргулик бу гўзал қизалоқларнинг оғизларидан чиқаёттан бехаё сўзлардан эса, тўгриси, илон пўст ташларди. Чидолмадим. Уларга яқинлашиб, ўзлари-

гагина эшитиладиган тарзда танбех бердим. Бири-биридан чиройли ўзбек қизларининг бу тахлит бехаё сўзлар айтиши на одобга ва на ўзларининг туриш-турмушларига ярашмаслигини босиклик билан тушунтирдим. Улар бироз хижолат тортгандай бўлишди. Бирок 4-5 қадам узоқлашгач, "нотиклик" санъатини яна давом эттиравердилар ва "насихатимни бошкаларга лозим кўришимни" писанда хам қилиб қўйишди.

Тўй-томошалар, жамоат

либ кетишлариничи? Хўш, айрим ёшларимизда кишида нохуш кайфият зохир қиладиган қилиқлар пайдо бўлаётганида сизу бизнинг айбимиз, хатомиз йўқми? Бор! Назаримда буларнинг барчаси бизнинг лоқайдлигимиз, эътиборсизлигимиз меваси. "Сен менга тегма", қабилида иш тутишимиз натижасидир. Ахир, булар эртамиз эгалари-ку, юрт, миллат такдири эртага ана шулар қўлига ўтади. Бугун биз улар рухиятига ўзбекона урф-одатларимизни, тар-

#### биямизни сингдирмасак, эртага бугун ўсиб келаётган ёш ўзидан кейинги авлодга нимани мерос қилиб қолдиради?! Бу ўйлаб кўрадиган, хаммани мулохазага чорлаши мумкин бўлган ва пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб ма-

лан юртимиз шарафини кўкларга кўтараётган, миллий қадриятларимизни осмон қадар тутаётган, ўзларининг хулки, одоби билан нафақат оиланинг, махалла-кўйнинг, балки миллатнинг фахрига айланаётган ёшларимизнинг кўнгилларига озор етказишдан йироқман. Бироқ, юқорида сўзлаганим - ёшлар сизнинг, бизнинг орамизда хамиша бор ва топилади. Уларни тўгри йўлга солиш, катталарга хурматда, кичикларга иззатда бўлишларини уқтириш нафақат ўқитувчиларнинг, балки барчамизнинг бурчимиз эмасми?! Сиз нима дейсиз?!

Зухра БЕГАЛИЕВА,



TuA-

MUAAAMHUH2

pyxu

нинг барча асарларида ин-

сон мадхи етакчилик қила-

ди. Шунинг учун ҳам унинг

асарлари бутун дунё халқла-

ри томонидан севиб ўкила-

ди. Бугунги кунда хам дунё

маданий хаётида аллома

маънавий меросига бўлган

самимий мухаббат борган

сари кучайиб бормокда. Буни кейинги йилларда ил-

ғор мамлакатлар ҳаётида ҳам

кузатиш мумкин. Аллома

маънавий меросига бўлган

эхтиром сифатида ўтказила-

ётган илмий-назарий, ил-

мий-амалий анжуманлар,

маънавий-маърифий тадбир-

лар, турли тилларга ўгири-

лаётган асарлари ёки катта-

катта шахарларда ўрна-

тилаётган ҳайкаллари шуни

кўрсатмокдаки, дунё халкла-

ри учун Навоий дахоси буюк

тимсолга айланиб бормокда

Хазрат Алишер Навоий-

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази хамда Езувчилар уюшмаси Узбекистон Давлат жахон тиллари университетида ўтказган "Тил — миллатнинг рухи" мавзуидаги навбатдаги тадбир хам буюк шоир Алишер Навоий дахосига багишланди. Унда сўзга чиққанлар Навоийнинг ўзбек тили ривожига қўшган хиссаси ва унинг асарлари хақида гапирдилар. Шунингдек, Алишер Навоий ижодиётини ўрганиш борасидаги бугунги ахвол хам мухо-

7-9 февраль кунлари пойтахтимизда теннис бўйича Дэвис кубогининг дастлабки боскич мусобақалари бўлиб ўтди. Унда хамюртларимиз индонезиялик теннисчилар билан кейинги боскич масаласини хал қилишди. Шу ўринда эслатиб ўтамиз, бундан роппа-роса икки йил аввал хам ракиблар ўзаро учрашишганди. Ушанда Индо-

TEZINTOM

ТИВАНОМАЕ АТЎ ИЛАДІНАЯ ИАЧУТ ТАЧОВН НАДНЧАЛМОЖНА РИЖІВ МОТ

БУЛМИН ТОМЛАР ТУЛИК

Куп турдаги аксессуарлар (том пардози эле-

ментлари). Металлочереница на профиастил узуванси 0,95 для 12-метргача. 1 квадрат метр

махсулотинит вазни 4,5 кг. Том анжом-

ларини барчаси Рарб ускупаларида чет за хомашёснали тайерланнам.

ДЕВОР ВА ОСМА ШИФТ ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛЛАРИ, УРНАТИЧ

элементлари вилан биргаликда

Туран ренгдаги полниер копламланк, ка-

анилиги 0,5 милях пулатдан яспаган.

Лухиганнов к., 1(ГОЭМЗ = 1)

Мұлжал: "Буюк Инак вули" м. ст.

Манзил: Тошкент и...

# Тажриба иштиёқдан yemyh keadu

незия пойтахти Жакартада кечган муросасиз бахсларда ўзбекистонлик теннисчилар 3:2 хисобида ғалаба

Айтиш жоизки, бу йилги беллашувларда хам ракетка усталаримизнинг муваффакият козонишига хеч ким шубҳа билдирмаётганди. Лекин ороллар мамлакатининг вакиллари Тошкентга ғалаба иштиёқида келганликларини норасмий жахон чемпионатининг

даслабки икки кунида кўрсатиб кўйишди. Мусобақанинг биринчи кунида узун бўйли теннисчимиз Олег Огородов Петер Хандойони қийинчилик билан енгган бўлса, АТР рейтингида 186-ўринни эгаллаб турган Вадим Куценко ўзидан 900 ўрин ортда бораётган Феби Видхиянтога ютқазиб қўйди. Иккинчи кунги жуфтликлар бахсида кортга тушган айнан шу икки номдор теннисчимиз

Хандойо ва Сувандиларга осонликча таслим бўлишди. 2:1 хисоби билан олдинга чикиб олган ёш индонезияликларнинг иштиёқини учинчи куни аввалига Вадим, кейинчалик Олег жақиқий ўйинларини намойиш қилиб сўндирди. Якуний хисоб 3:2. Энди терма жамоамиз апрель ойида Жанубий Кореяни 4:1 хисобида маглубиятта учратган Таиланд терма жамоасига қарши кортта тушади.

кама қилинди.

Уз мухбиримиз.

# Теннис

қозонишган эди.

Caxhada Cnumamen Узбек давлат академик миллий театри-

"TEZINTOM"

УЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛЕОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИКАРИЛГАН КУРИЛИШ

АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ КИЛАДИ:

нинг репертуари яна бир тарихий спектакль билан бойиди. Драматурглар Иўлдош Мукимов ва Хайитмат Расулнинг асари асосида яратилган «Тахти зар» спектаклини Узбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Арсен Файзуллаев сахналаштирди. Ушбу сахна асари мутахассислар томонидан ижобий бахоланди.

Мозийдан маълумки, Спитамен ўзининг

юртпарварлиги ва жасурлиги билан Турон замин халқлари мехрини қозонган қахрамонлардан бири. У куч-қудратда тенги йўқ лашкарларни хам енгиб чикади. Унинг барча фазилатлари мужассамлаштирилган спектакль миллатимиз, аждодларимиз ватанпарварлиги, ғурури, мардлигию матонатини томошабин куз ўнгида гавдалантиради. Искандар Зулқарнайнга қарши мардонавор курашлари қалбимизга инсон учун Ватандан азизрок маскан йўклигини сингдиради.

Спектаклнинг сахна безаклари хам

ТУРАИ РАНГДАГИ ПОЛИМНР

ҚОПЛАМАЛАРИ БИЛАН

BEBAK BEPUIII:

"МЕЕН" (Германия) фирмаси тех— нологияси асосида агрессив мухитта

**ТЕРМАНИЯНИНГ "НЕВО"** 

ФИРМАСИ УСКУНАСИДА

ТАЙЁРЛАНГАН ЮКСАК БАДИИЙ

САВИЯДАГИ НОЁБ

МЕТАЛЛ МАХСУЛОТЛАРИ

қандиллар ва бошқа гузал буюмлар.

Tex.: (998-71) 162-42-47, 162-78-59,

суянчиклар, гаройно дарвозалар,

162-42-74. Факс 162-41-05.

E-mail: tezintom@globalnet.uz

Жимжимадор панжаралар,

махсулотларига

**ЎЗБЕКИСТОН-**

ГЕРМАНИЯ КК

#### Премьера

диққатни тортади. Бир неча аср аввалги хаётнинг турфа манзараларини аник гавдалантиради. Улар рассом Бахтиёр Тураев

гояларининг ижодий махсулидир. Актёрлар Учкун Тиллаев, Нодира Махмудова ва Кахрамон Абдурахимовлар яратган Спитамен, Зоро хамда Искандар образларида тарихий мухит, вокеа-ходиса-

лар ўз аксини топган. Уйлаймизки, «Тахти зар» тез кунда ўз мухлисларини топади ва уларга манзур

# Баходир ФАЙЗИЕВ.

Узбекистон Миллий ахборот агентлиги QSS-3001 «NORITSU» русумли ракамли кичик фотолаборатория ва QSF-V30S русумли плёнка овадиган машина харид килиш учун

Тендерда қатнашишни хохловчилар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент ш., Хамза тумани, Мусахонов к., 30-уй, 30-хона. Телефонлар: 132-02-50, 133-04-22, 133-06-14.

> Мазкур тендер бўйича таклифлар 2003 йил 1 мартгача қабул қилинади.

«ХАЛК СУЗИ»га ЭЪЛОНЛАР **КАБУЛ КИЛИНАДИ.** 

9.00 дан 18.00 гача 132-10-63

136-09-25 242-хона

Хориж спорти



Якиндагина жахон бокс оламида Майк Тайсон билан Кличколардан бирининг беллашуви хакида гап тарқалганди. Аникроги, бу хабарнинг тарқалишига «Темир» лакабли боксчи Майк Тайсон сабабчи бўлганди. Негаки, у британиялик боксчи Леннокс Льюисдан енгилгач, ўзининг хали «мавжуд» эканлигини яна бир бор кўрсатиб қўйиш учун ака-ука Кличколарнинг кичигини рингга чорлаганди. Аммо бу таклифга украиналик боксчининг промоутерлари рози бўлишмади. Уларнинг фикрича, Кличколар учун айни пайтда Тайсон билан рингга чиққандан кўра, уни маглубиятга учратган Льюис билан беллашиш маъқул экан. Ушбу фикрдан сўнг бокс оламида яна гап-сўзлар кўпайди. Хўш, гигантлар жанги қачон ўтказилади?

# «Аьюис-Кличко» жанги қачон ўтказилади?

«Леннокс Льюис ва Виталий Кличко ўртасидаги WBC йўналиши бўйича чемпионлик учун бўладиган жанг белгиланган муддатда ўтказилиши керак» дея таъкидлади **«UNIVERSUM** PROMOTION» вакили Райнер Кёппке. Шундай қилиб, 2002 йилнинг декабрида бошланган иккала боксчи вакиллари ўртасидаги тортишув яна давом этадиган бўлди. Льюис томоннинг айтишича, шу йилнинг апрель ойида Кличколардан бирига қарши ўтказилиши мўлжалланган жанг қолдирилиши мумкин. Чунки, 37 ёшли Леннокс Льюисга юкорида зикр этилган йўналиш бўйича чемпионлик титулини химоя қилиш учун энг муносиб ракиб яна ўша «кулок кушандаси» Майк Тайсон бўлиши эхтимолдан холи

Уз навбатида украиналик боксчиларнинг вакили хам бу гапга: «Бизнинг олдин қабул қилган қароримиздан қайтиш ниятимиз йўк. Британиялик боксчининг промоутерлари билан аллақачон шартнома имзоланган ва у айни пайтда хукукий кучга эга. Гап факат учрашув кунини аниклашда. Бизнингча, у 12 ёки 19 апрелга мўлжалланади» дея муносабат билдирган.

Кейинги пайтларда катта бокс оламида купгина жангларни ортга суриш борасида руй бераётган бундай гапсўзлар кишига масхарабозликдек туюлади. Негаки, икки йирик боксчининг рингга чикиши хакидаги хабарнинг тарқалганига анча вақт ўтганига қарамай, то хануз бирор бир қарорга келинмади. Бизнингча, ушбу жанг 1 апрелга белгиланиши мумкин ва унинг оқибати «ўта жиддий» тугаса керак...

Утказилиши лозим бўлган жангнинг асосий шахси хисобланиши тахмин килинаётган Леннокс Льюиснинг украиналик боксчи билан рингга чикишдан бош тортишига фақат ўзигагина маълум холатлар хам сабаб бўлаётгандир, эхтимол. Назарий жихатдан олиб қараганда, британиялик боксчининг WBC йўналиши бўйича чемпионликка асосий даъвогар булган Кличко билан кечадиган бахсдан бош тортиши оқибатида WBC ташкилоти уни чемпионлик камаридан махрум этиши хам мумкин. Шуни хам эслатиб ўтиш

жоизки, Льюис айни пайтда

фақатгина ушбу йўналиш буйича жахон чемпиони хисобланади. Аммо ака-ука Кличколар ва Майк Тайсон ўртасида учта учрашув ўтказиш юзасидан Льюис билан шартнома имзолаган НВО телекомпанияси рахбарлари бу борада ташвишланишга хожат йўклигини маълум қилишди. Улар Льюиснинг хатти-харакатларини нихоятбосиклик билан қабул қилишмоқда. Мазкур телеканал президенти бу хусусда шундай деди: «Льюиснинг ўз чемпионлик камарини химоя қилишга тайёр эканлигидан жуда мамнунмиз. Бунинг учун алохида ахамият касб этадиган Майк Тайсоннинг яқинда ўтказадиган жанги натижаларини интиклик билан кутамиз. Биз Льюисни у ўтказадиган ҳар қандай жангда қўллаб-қувватлаймиз. У буюк боксчи. НВО телекомпанияси у билан хамкорлик қилаёттани учун фахрлана-

Қизиғи шундаки, Виталий Кличко хам Леннокс Льюиснинг ушбу қарорини вазминлик билан қабул қилган. У Льюиснинг номи бугунги кунда худди Майк Тайсон каби таниклигига, унинг боксчилик махорати нечогли юксаклиги ва мухлислар орасида номи канчалик машхур эканлигини яхши тушунади.

«Агар хаққоний бахолайдиган булсак, мен билан кечадиган бахс Льюисга хеч нарса бермаслиги кундай равшан, - дейди Виталий ўз

интервьюларидан бирида. -У катта доврукка эга, унинг номи аллақачон бокс тарихидан жой олиб улгурган. Шунингдек, бу боксчи нихоятда бадавлат. Биргина Майк билан кечган жанг унга 45 миллион доллар наф келтирди. Льюис рингдаги махоратлари боис барча унвону мукофотларни қўлга киритиб бўлган. Шундай экан, Льюиснинг мен билан ёки бошка исталган боксчи билан кечадиган жанги унга булардан ортик обрў эътибор

келтирмайди». Дархакикат, Льюис учун ютқазиш эхтимоли кўп бўлган тўнгич Кличко билан бўладиган жангдан кўра у учун аллақачон хеч ким бўлмай қолган Майк Тайсоннинг июнда ўтказадиган жанги голиби билан рингда учрашиш анча қулай ва бу моддий томондан хам фойдалидир.

Хуллас, украиналик боксчининг промоутери Клаус Колнинг немис юристлари хамкорлигидаги барча саъйхаракатлари зое кетадиганга ўхшаб турибди. Бир сўз билан айтганда, иккала томоннинг Льюис-Кличко ўртасидаги жангнинг ўтказишўтказмаслик борасидаги бундай адоги йўқ тортишувлари мазкур жангга бўлган қизиқиш доирасидан ҳам ўтиб кетди. Аммо умид сўнгги лахзалардан, дейдилар. Шунга кўра, кутилмаганда Льюиснинг юрагида орият, гурур тўйгулари жўш уриб, у Кличко билан рингта чикишни хохлаб қолар ва бу холат унинг теграсидаги хар хил миш-мишларга чек қуйиш билан бирга ким аслида ким эканлигини намойиш этиш учун айни муддао бўлар. Энди бу ёгини вақт кўр-

> Максуд МИРЗО, «Халқ сўзи» мухбири.

#### ўйиндан ташқари холат

#### Марадона гольф кироли булмокчи

Кубада истикомат килаётган 42 ёшли Диего Армандо Марадона шу кунларда гольф буйича мамлакат биринчилигига хозирлик курмокда. Афсонавий футболчининг айтишича, у ўзини киборлар ўйинида футбол майдонидагидек хис килолмаса-да, янги спорт тури

билан жиддий шуғулланишга киришган. Хаттоки тушларида ҳам гольф ўйнаётганмиш. — Умид қиламанки, мени «20 асрнинг энг зўр футболчиси» деб топган мухлислар якинда «XXI асрнинг энг зўр гольф ўйинчиси» деган таърифни муносиб кўришади, дейди Марадона.

#### Чўчка бўлиб чийиллаш кимматга тушди

Бразилияда футбол бўйича «Сан Паулу Жуниор» турнирининг «Санта Андре» ва «Палмейрас» жамоалари ўртасидаги учрашувда кутилмаган вокеа содир бўлди. Вокеа кахрамони «Санта Андре» клуби хужумчиси Нунъесдир. Гап шундаки, турнирнинг финал беллашувида асосий ва қушимча вақт дуранг билан тугагач, навбат пенальтиларга берилди. Унда ҳал қилувчи голни киритган Нунъес тўрт оёқлаб эмаклаб, чўчқа бўлиб чийиллашга тушди. Бу эса «Пальмейрас» жамоаси билан бирга мухлисларининг хам газабини қўзгатиб юборди. Натижада улар стадионни алгов-далгов қилиб юборишди. Маълум бўлишича, маглуб жамоанинг рамзи чучка экан. Буни хисобга олган ташкилотчилар Нунъеснинг хурмача килиги учун 5 минг АКШ доллари микдорида жарима солишди

> Дил МУРОД тайёрлади.

# Ташкилот Давлат архитектура ва курилиш кумитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) ОАРГОНА ВИЛ

куйидаги иншоотларга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон килади.

Вишениер 1. Катта Андижон каналини туйинтирувчи канал курилиши. 2. Олтиарик ва Багдод туманларида тутиб колувчи тик дренаж кудуклари курилиши. Пуртиши питерици ступнии ступнии 2008 для W-черазь

Буюртмения Фаргона вилояти жамоа хўжаликлараро кенгаши. Менямлин Фаргона шахри, Ал-Фаргоний кўчаси, 92-уй. Тел./факс: 24-38-53, факс: 24-82-77. Курилиш ишлари давлат инвестиция маблаглари хисобидан молиялаштирилади. Ташкилот ва корхоналар куйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига,

шартнома тузишга лаёкатли юридик хукукка эга, тажрибали ва ишончли булишлари шарт Савдода катнашиш ва тендер хужжатларига эга булиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) буйича республика бошкармасининг Фарғона вилояти филиалига куйидаги манзил буйина мурожаат килиш мумкин:

Фаргона шахри, А.Навоий кўчаси, 29-«А»уй (Фарғона вилояти архитектура ва курилиш бош бошкармаси биноси). Тел./факс: 26-43-19.

Бир тўплам тендер хужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юкоридаги маизилда кабул килинади. Оферталарни очиш куни ва вактигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар кабул килинади. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 (ўттиз) кундан кейин куйидаги манзилда ўтказилади: Фаргона шахри, А.Навоий кўчаси, 29-«А»уй (Фаргона вилояти архитектура ва курилиш бош бошкармаси биноси).

«Узавтойўл» давлат-акциядорлик концерни жамоаси Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси худудидан ўтадиган қисмини лойихалаш, қуриш ва қайта қуриш Бош Бошқармаси бошлиқ маслахатчиси Боходир Бахромовга онаси

Мукаддас ЭШОНХУЖАЕВАнинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор этади.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати клиника ва жамоат ташкилотлари хужалик булимининг мудири Зоир Абдувалиевга умр йўлдоши Савринисо ая МАХМУДОВАнинг

вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор этади. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати «Кутубхонашунослик» кафедраси катта ўкитувчиси Тохир Шокировга онаси

РОХАТОЙ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия билди-

Тошкент Юридик коллежи жамоаси «Математика» кафедраси мудири Абдурахмон Юлдошевга онаси МАРХАМАТ аянинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор килади.



МУАССИСЛАР: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

"ТЕЗИПТОМ" құшма

корхонаси махсулотларининг

нархлари сезиларли камайтирилган

Бош мухаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров, III. Жабборов (бош мухаррир ўринбосари — «Халк сўзи»), М. Миралимов, С. Мухиддинов, Ш. Ризаев, М. Сафаров, Р. Фарходий, И. Худоёров, И. Шогуломов, О. Қаипбергенов (бош мухаррир ўринбосари — «Народное слово»), У. Хошимов.

> ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар булими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.



Руйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 169. 35313 нусхада босилди, хажми - 2 табок. Офеет усулида босилган. Когоз бичими А-2 Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жампил ТОГАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ

томопидан сахифаланди. Тахририятда хажми 5 қогоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

• манзилимиз: 700000, TCII, Тошкент шахри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй. Навбатчи котиб - А. Орипов. Навбатчи мухаррир - Х. Каримов. Навбатчи - М. Жонихонов. Мусаххих -- М. Сулаймонова.

------

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишта топшириш вакти — 21.00 123456 Топширилди - 23.30